



ШАРҚ ЛИНГВОМАДАНИЯТИДА ҚУШ РАМЗЛАРИНИНГ ТАЛҚИНИ

МАКСУМОВА УМИДА

Ўқитувчи, ТошДШИ

Аннотация. Мазкур мақола Шарқ лингвомаданиятида ўзига хос ўринга эга бўлган қуш рамзларининг тадқиқига бағишланган. Улардан айримлари муайян халқлар учун тотем ёки миллий рамз вазифасини бажаради.

Таянч сўз ва иборалар: Шарқ, маданият, рамз, қуш, тотем, урф-одат, инонч, тафаккур.

Аннотация. Статья посвящена изучению символов птиц, имеющих особое значение в восточной лингвокультурологии. Некоторые из них служат тотемом или национальным символом для некоторых народов.

Опорные слова и выражения: Восток, культура, символ, птица, тотем, обычай, вера, мышление.

Abstract. This paper is devoted to the study of particular relevance in the oriental culture symbols of birds. Some of them as a totem or national symbol for certain nations.

Keywords and expressions: East, culture, symbol, bird, totem, customs, belief, thought.

Ижтимоий мулоқот тизимида инсонлар мазкур жамият, гуруҳ ва ижтимоий муҳитда қабул қилинган рамзлардан фойдаланмай яшай олмайди. Инсон тасаввуридаги муҳим жиҳатлардан бири рамзлаштиришга бўлган эҳтиёждир.

Замонавий антропологияда Б. Франклиннинг *man is a tool-making animal* (инсон меҳнат қуроллари ишлаб чиқарадиган махлуқ)¹ формуласи бироз ўзгартирилиб, “инсон ўзининг табиатига кўра *man is a symbol-making animal*, яъни инсон нафақат “меҳнат қуроллари ишлаб чиқарадиган”, балки “рамзлар яратадиган” махлуқ ҳамдир”, деб талқин қилинади. Демак, дунё рамзлардан иборат, рамзлар инсониятнинг илк, ҳақиқий ижодидир.

Турли лингвомаданиятларда ҳайвон ва қуш рамзлари алоҳида аҳамият касб этади. Улардан айримлари муайян халқлар учун тотем, яъни ҳомий мақомига эга. Қуйида Шарқ лингвомаданиятида ўзига хос ўринга эга бўлган баъзи қуш рамзлари ҳақида фикр юритамиз.

Қушларнинг кўкка парвоз қилиш қобилияти Шарқ халқлари мифологиясида кенг

эътибор қаратилган ходисалардан биридир. Бу ўринда инс-жинслар ва руҳларнинг оламшумул саёҳатларини қулайлаштириш учун уларнинг айрим қушларга ўхшатиш қиёфаларини эслаш кифоядир. Кўринадики, қушлар руҳнинг рамзи бўлиб келган. Қушлар орасида кучи ва учуш тезлиги жиҳатидан йирткич қушлар алоҳида ўрин тутди.

Бургут – йирткич қушлар ичида тоғ чўққисида, энг баланд дарахтларнинг учида яшайдиган ва қанотларини ёйганда ер юзини қоплайдиган маҳобатли мавжудот. Бургут туркий халқлар маданиятида алоҳида ўринга эга бўлган миллий рамзлардан биридир. Хусусан, кўк турклар даврида ва уйғурларда бургут ҳукмдор ҳамда бекларнинг ҳимоячи руҳи ва ҳуқуқий рамзи бўлган. Қуёш, кучқудрат тимсоли бўлган бургут жангларда ғалаба қозонишга ишора берган².

Телеутларнинг бургут уруғидан таркагани ҳақида инончлар мавжуд.

¹ <http://www.azquotes.com/quote/702521>.

² Ögel Bahaeddin. Türk Mitolojisi. C. I. –Ankara: Türk Tarih Kurumu Basımevi, 1998. – S. 586–599; Seyfeli Canan. Türk Mitolojisinde Hayvan Motifleri // Yol Bilim Kültür Araştırma. Sayı 23, Mayıs–Haziran 2003. – S. 48.



Гознинг қаддини тик тутиб юриш ҳолати *ғоздай юрмоқ*, бўйнини чўзиб қараши эса *ғоз қараши* ибораларида ўз аксини топган.

Ўрдак – туркий халқларда бахт ва фаровонлик рамзи ҳисобланади. Узоқ Шарқ маданиятида жуфтлик, садоқат рамзи бўлиб, бахтли никоҳни тамсил этади. Шунинг учун никоҳ тўйларида келин-куёвга ўрдак ҳайкалчалари совға қилинади.

Қадимги Мисрда тасвирий санъат предмети, қадимги юнон санъатида севги маъбуди Эросни ифодалайди. Яҳудийларда мангу ҳаёт рамзи ҳисобланади.

Ўзбек лингвомаданиятида ўрдакнинг у ёқ-бу ёққа ташлаб, чайқалиб юриши *ўрдакдай лапангламоқ* ўхшатиши воситасида ифодаланади: *Таомил ўзгармабди: сочи қошигача тушган йигит қўлларини чўнтакка солганча, ўрдакдай лапанглаб келиб, унинг қаршисида тўхтади* (Т. Малик. Сўнгги ўқ). Турк тилида айнан шу маънода *ördek yürüyüşü* иборасидан фойдаланилади.

Турна – туркий халқлар аънаналарида бойлик ва узоқ умрни англатади. Хитойда турна худолар элчиси, Ер ва Осмон орасидаги воситачидир. У Ғарбдаги жаннатга руҳларни элтади. Абадий ҳаёт, узоқ умр, бахт-саодат, ҳушёрлик ва юксак мартаба рамзи ҳисобланади. Шунингдек, турна оналикнинг ҳимоячиси сифатида талқин қилинади. Японияда ҳам айнан шундай рамзий маъноларни ифодалайди. Мазкур куш юнон-рим рамзларида баҳор ва ёруғлик хабарчиси сифатида Аполлонга бағишланади¹.

Турналарнинг ўзига хос парвоз тарзидан ўзбек лингвомаданиятида “қатор бўлиб тизилган” маъносидаги *турна қатор* ибораси ҳосил бўлганини кўриш мумкин. Ёки турнанинг бойлик келтиришига бўлган инончларнинг турк лингвомаданиятида “кутилмаганда жуда қимматли бирон нарсани қўлга киритмоқ” маъносидаги *turnayı gözünden vurtmak* иборасининг шаклланишига сабаб бўлган дейиш мумкин².

¹ <http://symbolist.ru/animals>.

² Усманова Ш. Таржиманинг лингвомаданий аспектлари (Ўқув қўлланма). – Т., 2015. 97-б.

Каптар – аксарият маданиятларда тинчлик, узоқ умр, аёллик ва оналик рамзи. Хитой маданиятида каптар узоқ умр, садоқат, фарзандларнинг ота-онага ҳурмати, баҳор, шунингдек, она ер тимсоли бўлиб келади. Япон маданиятида узоқ умр ва ҳурмат рамзини ифодалайди. Шумер-семит маданиятида илоҳий куч; юнон-рим маданиятида севги ва ҳаётнинг янгилиниши; яҳудийларда беғуборлик; насронийликда Мукаддас руҳ рамзи сифатида талқин этилади³.

Ўзбек лингвомаданиятида каптарнинг аёллик ва муштипарлик ифодаси сифатида келишини куйидаги мисолда кўриш мумкин: *Мен кабутар бўлсам, ул бир бургутдур, Мен муштипар бўлсам, ул бир йигитдир* (“Маликайи айёр”).

Қалдирғоч – умид, баҳорнинг келиши ва омад рамзи. Ўзбек “хонадонига қалдирғочин кўйган оила тез орада оёққа туриб, мушкуллари осонлашгандир. Аксинча, бирон сабаб билан қалдирғочинини бузган хонадон тушкунликка учрагандир”⁴. Қалдирғочнинг қаноти гўзал қизнинг қошларига қиёс қилинади: *Ундаги чақноқ кўзлар, қалдирғоч қанотига ўхшаши қошлар, оппоқ юз* (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё).

Япон маданиятида қалдирғоч вафосизлик тимсоли бўлиши билан бирга, содиқлик, она ғамхўрлигини ҳам англатади. Хитойда журъат, хавф, садоқат, яхши ўзгаришлар тимсоли сифатида баҳоланади. Юнон-рим аънаналарида қалдирғоч Афродитага қиёсланади. Шумер-семит аънаналарида Буюк Она тимсоли маъбуда Нина сиймосини ифодалайди. Насронийликда қайта тирилиш, янги ҳаётни тамсил этади⁵.

Лайлак – кўпчилик маданиятларда баҳорнинг келишини, янги ҳаётнинг бошланишини ифодалайди. Бинобарин, ўзбек маданиятида баҳор ва бахт-саодатни, хитой маданиятида узоқ умр, бахтли ва хотиржам кексаликни тамсил этади. Лайлакка кексай-

³ <http://symbolist.ru/animals>.

⁴ Мадаев О., Собитова Т. Халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Шарқ, 2010. 20–21-бетлар.

⁵ <http://symbolist.ru/animals>.

ган ота-онага қарайдиган, уларни боқадиган қуш сифатида қаралади. Жумладан, Хитой ва Миср маданиятида лайлак ота-онага қарайдиган, уларни иззат-хурмат қиладиган ўғил тимсолидир.

Юнон мифологиясида лайлак маъбудаси – ҳаёт берувчи, боқувчи аёл кўринишида тасвирланади ва Геранинг атрибути ҳисобланади. Насронийликда софлик, озодалик, ҳурмат ва хушёрлик тимсоли сифатида талқин қилинади¹.

Қарға – аниқроғи қора қарға, мураккаб рамзлардан бири бўлиб, умумиятда ёвузлик ва ёмонликни ифодалайди. Ўзбек маданиятида ёмон хабар элчиси саналади. Хитой ва Японияда оилавий меҳр-муҳаббат тимсоли ҳисобланган. Хитойдаги Шу сулоласининг эмблемасида уч панжали қарға тасвирланган бўлиб, у Қуёшнинг уч ҳолатини: чиқиши, осмоннинг энг баланд нуқтасига кўтарилиши ва ботишини тамсил этган. Қадимги юнон, эрон ва хитойликлар мифологиясида Қуёш маъбудлари (Аполлон, Митра)нинг элчиси кўринишида намоён бўлган.

Осиё, Африка ва Америка халқлари анъаналарида Қуёш белгиси, донишмандлик, зийраклик ва узоқ умрни ифодалаб келган. Қадимги Римда қарға умид, ўрта асрларда Европа халқларининг наздида қора қарға энг ёвуз қуш сифатида фалокат, қайғу, уруш ва ўлим хабарчисини мажозлаган².

Бойқуш – бир томондан донишмандлик, бошқа томондан қоронғилик ва ўлим тимсоли бўлиб келади. Бинобарин, Америка хиндуларининг анъаналарида донишмандлик ва башоратгўйликни ифодаласа, ўзбек ва япон маданиятида ўлим, ёмон хабар, умуман, ёмонлик аломати сифатида талқин қилинади.

Хитойда ёвузлик, жиноят, ўлим, даҳшат, кўрнамак фарзандлар; Мисрда ўлим, тун, совуқлик рамзи бўлиб келади. Яҳудий инончларида сўқирлик; индуизмда ўликлар маъбуди; насронийликда шайтон, қора кучлар, қайғу, ёмон хабар тарзида шарҳланади.

Хўроз ва товук – аксарият маданиятларда хўроз Қуёш ва ғурур рамзи бўлиб келади. Шунингдек, хўроз уришқоқ парранда ҳисобланади. Туркий халқларнинг хўроз билан боғлиқ инончларида шомонликнинг таъсири сезилади. Хўроз ёмон руҳларни ҳайдаб юборадиган ва ҳимоя қиладиган парранда саналади. Олтин товук (ёки хўроз) ҳукмдор оиласини, кумуш товук эса ҳукмдор оиласидан бўлмаган зодагонларни намоён қилган. Шу билан бирга, хўроз тинчлик рамзини ҳам ифодалайди³.

Хўроз мукаддас кишиларнинг мазорларида сўйилгани учун Пайғамбарнинг йўлдоши, Аллоҳнинг яқини, самодаги “тахтга яқин” бўлган Жаброил ёки Салмон ал-Форсий исмли бош фаришта ҳисобланади. Хўрознинг саҳарда қичқириши жинларнинг фаолиятига яқун ясайди.

Хитой тилида “товук” (野鸡) сўзи кўчма маънода енгилтак аёлларга нисбатан қўлланилади. Шунинг учун ҳам тўй маросимларида товук гўштидан тайёрланган таомни тортиш номақбул ҳисобланади. Янги йилни кутиб олаётганда ҳам товук гўшти ейиш тавсия қилинмайди. Товук гўшти ейилса, атрофдагилар билан тез-тез жанжаллашилади, деб ишонилади. Бу товукнинг уришқоқ парранда эканлиги билан изоҳланади. Ўзбек лингвомаданиятида ҳақоратлаш маъносида ишлатилади: *Бундан кўра гўнг титганинг яхши эмасми, кекса товук!* Ёки “аҳмоқ” маъносида *товук мия* ибораси қўлланилади⁴.

Хулоса қилиб айтганда, Шарқ халқларининг қушлар ҳақидаги тасаввурлари уларнинг ижтимоий тизими, маданияти, урф-одатлари ва инончларини намоён қиладиган қушлардаги кўкка парвоз қилиш қобилияти туфайли, улар аксарият ҳолларда руҳнинг рамзи бўлиб келади.

³ Çoruhlu Yaşar. Türk Mitolojisinin ABC'si. – İstanbul: Kabaıcı Yayınevi, 1999. – S. 168–169.

⁴ Усманова Ш. Хитой лингвомаданиятида тановул қилиш таоминининг ўзига хос хусусиятлари // Хитойшуносликнинг долзарб масалалари: филология, фалсафа, тарих, иқтисод ва сиёсат. XII илмий-амалий конференция мате­риаллари. – Т.: ТДШИ, 2015 йил 28 ноябрь. 34-б.

¹ <http://symbolist.ru/animals>.

² <http://symbolist.ru/animals>.



Хайвонлар орасида шоҳ рамзини арслон, кушлар орасида эса бургут тимсоллаб келади. Туркий халқлар лингвомаданиятида бургут ҳукумдорлик ва куч-қудрат рамзи бўлган. У айрим сулолалар учун тотем жонивор ҳисобланган. Бургут Эронда семурғни, Арабистонда роҳини, Ҳиндистонда гарудага муқояса этилади.

Шарқ лингвомаданиятидаги ўрдак, турна, қалдирғоч, лайлак каби кушлар бахт, бойлик, фаровонлик ва оила рамзи сифатида қадрланади. Аксинча, бойқуш ва қарға сингари кушларга ёвузлик ва ёмонлик рамзи, ёмон хабар элчиси сифатида қаралади. Айрим куш тимсолларида эса эркак-аёл зиддияти намоён бўлади. Жумладан, ғоз ва хўроз эркаклик, қаптар ва товуқ аёллик рамзи сифатида талқин қилинади.



ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ КОНЦЕПТ 「孤独」 «ОДИНОЧЕСТВО» И ЕГО РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ В РОМАНЕ ХАРУКИ МУРАКАМИ 「ノルウェイの森」 «НОРВЕЖСКИЙ ЛЕС»

АМАНУЛЛАЕВА КАМОЛА

Базовый докторант, СамГИИЯ

Аннотация. В данной статье анализируются варианты репрезентации художественного концепта «одиночество», его связь с концептом «пустота» в дискурсе романа Харуки Мураками «Норвежский лес» и в микроситуациях. Данные концепты выделяются на основе критериев аксиологического приоритета и сюжетопостроения романа, и находят яркое проявление в авторских образах.

Опорные слова и выражения: индивидуальная концептосфера, художественный концепт, «одиночество», «пустота», художественный текст, дискурс.

Аннотация. Ушбу мақолада япон адиби Харуки Муракамнинг “Норвег ўрмони” романида “ёлғизлик” концептининг бадиий талқини ва унинг “бўшлиқ” концепти билан узвий bogliqligi дискурсида ва микро ҳолатларда таҳлил қилинган. Мазкур концептлар романнинг сюжет тузилиши ва аксиологик устуворлиги асосида ажратиб олинган ҳамда образларда ёрқин ифодасини топган.

Таянч сўз ва иборалар: индивид концептосфера, бадиий концепт, “ёлғизлик”, “бўшлиқ”, бадиий матн, дискурс.

Abstract. This article analyzes the options of representation of artistic concept “loneliness/lonely” and its association with the concept of “emptiness” in the discourse and micro situations of the novel “Norwegian Wood” by Haruki Murakami. These concepts are allocated on the basis of construction criteria and axiological priority of the novel.

Keywords and expressions: individual concept, literary concept, “loneliness/lonely”, “emptiness”, literary context, discourses.

Харуки Мураками – писатель, крайне редко раскрывающий свои творческие тайны, но подчёркивающий состояние как своего одиночества, так и «одиночество» своих ге-

роев. Роман 「ノルウェイの森」 «Норвежский лес», опубликованный в 1987 году, принадлежит ко второму периоду его творчества, когда, по мнению критики, закре-